

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (11.396)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари – Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди.

Ушбу жамғармага Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида асос солинган. Унинг асосий мақсади Орол инқироzi туфайли зиён кўрган ҳудудларда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

Олмаота учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Маълумки, 1994 ва 2002 йилларда Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саноат-харакатлар дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларга мувофиқ қатор лойиҳалар амалга оширилди. Амударё дельтасида сунъий ҳавзалар барпо этиш, Орол денгизининг қурган қисмида даракт кўчатлари ўтказиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Президентлар жамғарма Ихроия қўмитасига Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саноат-харакатларнинг янги дастурини иш-

лаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Бугун Орол инқирозининг дахшати оқибатлари ҳеч кимга сир эмас. Амударё дельтасининг ўзида кўлар майдонига оид кўрсаткич 26 минг гектарга тушиб қолган. Денгиз атрофида юзлаб километрларга чанг ва туз тарқалмоқда. Шўроқ ерлар майдони кенгайиб, бу борадаги кўрсаткич 85 минг гектардан 273 минг гектарга кўтарилди. Камишзор ва тўқайлар майдони эса, аксинча, 20-25 баробар қисқарди. Дарёларда сув қамайиши ичимлик суви таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, денгиз қуриши эса унинг атрофида иқлим ўзгаришларига олиб келди.

Президентлар Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, бу ҳудудда ба-жарилиши зарур бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелiorацияси соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ ва ўзарани қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофича фикрлашдилар.

Президентлар сув-энергетика захира-ларидан фойдаланиш, трансгеаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотлари шулар оғраида иштирок этиш ҳам муҳокама қилдилар.

Айни пайтда трансгеаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар янги ГЭСлар қуриш ниятида экани яхши маълум. Бундай хара-

катлар трансгеаравий дарёларнинг қуйи қисмидаги давлатларга жиддий зиён етказиб, минтақадаги мураккаб экологик аҳвол янада ёмонлашишига олиб келади. Марказий Осиё фаол сейсмик зона эканини ҳисобга олсақ, тўғонларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам юзага чиқади.

Шундай экан, трансгеаравий дарёлар бўйида гидротехника иншооти қуриш учун барча қўшни давлатлар билан бамаблаҳат иш тутиш, халқаро экспертларнинг мустақил экспертизасини ташкил қилиш, уларнинг тўғонлар хавфсизлиги қафолатлангани ва экологияга пўтур етмаслиги тўғрисидаги ҳулосасини олиш зарур.

Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ўзаро келишган ҳолда ечишга қодир. Сув-энергетика захира-ларидан фойдаланиш масаласи, айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётгандек, ечими йўқ муаммо эмас. Бу борада маблаҳатлашувлар қизгин мунозара билан ўтиши мўкин. Лекин бу минтақа давлатлари ўзаро келиши олмайди, дегани эмас. Чўнки Марказий Осиёдаги бирор давлатда муаммо юзага келса, минтақанинг бошқа мамлакатлари ҳам таъсир кўрсатиши барчага аён. Шу боис қўшни давлатлар бир-бирининг барқарорлигидан манфаатдордир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Олмаота – Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва ҳўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илғор таълим стандар-тлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Женерал Моторс" корпорацияси ва Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилди) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Турин политехника университети (Италия Республикаси), "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор ҳўжалик бирлашмалари ҳамда корхона-лари томонидан нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиладиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ЯНА БИР БОР ЎЗИНИНГ ЯШОВЧАН ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

Россия ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, олимлар, Дипломатия академияси ва Россия Фанлар академияси академик институтларининг экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тақдимотни Ўзбекистоннинг Россиядаги элчиси И. Нейматов очиб, Президент Ислоҳ Каримов асарининг асл моҳияти ҳамда 2008 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим натижалари тўғрисида сўзлаб берди. Тадбирда Ўзбекистон Президентининг янги асари ҳақида таниқли олим ва сиёсатчилар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

Ярмаркалар

ИСТИҚБОЛЛИ ИШЛАНМАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқироzi шароитида ривожланишининг инновацион йўли, айниқса долзарб ҳисобланади. Президентимизнинг ақида нашрдан чиққан «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида «...банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновация технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқироziни бартараф этиш ва жаҳон базорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир» дея таъкидлаб ўтилган.

(Давоми 3-бетда).

Мақолада ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимлар ва уларда ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура, Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва маданий доиралари, халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси, шунингдек махаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этгани ҳақида хабар қилинади.

«Юбилей тадбирлари доирасида, — деб ёзди Португалия газетаси, — ЮНЕСКО бош қароргоҳининг «Сен-Пор» марказий тантаналар залида "Ўзбекистон хўнамандчилиги ва халқ амалий санъати" кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада Ўзбекистоннинг йирик миллий музейлари экспонатлари, шунингдек қадимий қумуш ва бронза буюмлари, миллий каштачилик махсусотлари, гилемлар, сопол идишлар, ёғоч ўймакорлиги ишлари ва Ўзбекистон амалий санъатининг бошқа намуналари намойиш этилди.

«Дунё цивилизациясининг ривожига Тошкентнинг тўтган ўрни» мавзусида бўлиб ўтган халқаро ан-



Европа ОАВ:

ЮНЕСКО ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

Португалиянинг «Слово» газетасида «ЮНЕСКО Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонламоқда» номли мақола чоп этилди.

ва халқаро ташкилотларнинг «совриндорлари бор».

Мақолада шунингдек Тошкентнинг қадимий тарихи тўғрисида хикоя қилинади. Қадимги қўлама-ларда, хусусан Абу Райҳон Беруний ва Махмуд Қошғарий, Алишер Навоий ва Захриддин Бобур асарларида Тошкент шаҳри Чоқ, Шош, Бинкат ва Шошкент номлари билан тилга олинади.

Тошкентнинг 2200 йиллик тарихи давомида мудофаа деворлари билан ўралган қадимий қалъадан то Марказий Осиё минтақасининг энг йирик мегаполисигача бўлган узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. Тошкент қўллаб-қувватлаш ва қийинчиликларни бошдан кечирди, улкан ишларга гувоҳ бўлди, лекин у ҳар доим ўзининг муҳим

сиёсий, иқтисодий ва маънавий макомини сақлаб қолди. Пойтахт «Тинчлик шаҳри», «Матонат шаҳри», «Нон шаҳри», «Боғлар шаҳри», «Шарқ дарвозаси» сифатида танилган.

«Слово» газетасида таъкидланишича, инсон ўз дунёқарашининг шаклланишида тарихий-маданий индизлар билан биргаликда замонавий ижтимоий-маданий қадриятларга амал қилиши табиий ҳолга айланади. Ўзбекистоннинг пойтахти саналмиш мамлакатнинг интеллектуал қучлари мужассамлашган Тошкент бунинг ёркин ифодасидир. Шаҳарнинг ўзига хослиги ўз ахлоқий тамойилларида замонавий маданий таърибага, шунингдек, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом ал Бухорий, Алишер

«Жаҳон» АА,
Париж

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Термизда ёшларнинг онг ва тафаккурини шакллантиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, вилоят ҳокимлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш, Матбуот ва ахборот агентликлари вилоят бошқармалари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юр்தларининг иқтидорли талабалари ва ёш олимлар иштирокида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда солиқ сиёсатининг ўрнига бағишланди.

• Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Республикамиз вилоятлари ва иқтисодий объектларида ўтказилган қўмондонлик ҳамда махсус тактик ўқув машқларининг аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

• Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидан оқиб ўтувчи Обшир дарёсида сув омбори қурилиши тугаллашиб, ушбу иншоот фойдаланишга топширилди. Сув омбори қурилишида 450 миллион сўмлик ер қазиб ва темирбетон ишлари амалга оширилди. Натижада 2000 гектар майдондаги боғу узумзорларнинг сув билан таъминланиши тўғридан яхшиланди.

• Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган болалар бадий жамоалари фестивалининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Жиззах тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ туман бўлими кенгаши томонидан Қулама қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 45 та корхона ва ташкилот томонидан 100 дан зиёд иш ўринлари таклиф этилди. Тадбир домида қишлоқ фуқароларидан 70 киши доимий ишга жойлашиш учун йўлланмалар олди. Ўнлаб уй бекалари эса эндиликда касаначилик фаолияти билан шуғулланадилар.

ЖАҲОНДА

• Украина Конституциявий суди мамлакат президенти сайловини ўтказиш мuddатини белгилаш масаласини қўриб чиқмоқда.

• 2008 йил августидаги Кавказ воқеаларидан сўнг илк бор Брюсселда элчилар даражасида Россия Кенгаши –НАТО музокаралари ўтказилмоқда.

• Франциянинг Caisse des Depots et Consignation номли давлат банки сўнгги 200 йил ичида илк бор зарар кўрганлиги тўғрисида ҳисоб берди. Гап шундаки, мазкур банкнинг ўтган йил якунлари бўйича кўрган зарари салкам 1,5 миллиард евроли ташкил этди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида бўлиб ўтган савдолар натижасида бир баррел нефтининг нархи 50 долларлик кўрсаткичдан ҳам паства тушиб кетди.

• Буюк Британия қироличаси Елизавета II 83 ёшга тўлди. У қироличалик тахтига 25 ёшида ўтирди ва Британиянинг қирқинчи монархи бўлди. У мамлакатни бошқарган 57 йил давомида Буюк Британиянинг 11 та бош вазири ҳамда АҚШнинг 12 та президенти ўзгарди.

• Россиянинг энг янги ҳарбий самолёти бўлмиш, Су-35-4 синов пайтида портлаб кетди. Гап шундаки, мазкур самолёт ҳарбий аэродромдаги учиб йўлагидан нимагадир қаттиқ урилди, портлаб кетган. Синовни амалга ошираётган учувчи Евгений Фролов ҳаво кемасидан сакрашга улгурган. Маълумотларда самолётнинг нимага урилгани тўғрисида ҳеч нарса айтилмапти. Таъкидлаш кераки, Су-35-4 синов учун тайёрланган энг янги тўрт самолётнинг биттаси эди.

• Туркиянинг Истанбул шаҳрида амалга оширилган антитеррор операцияси чоғида кўп қаватли уйларга яширинган бир нечта террорчи йўқ қилинди. Отишмалар чоғида 6 нафар полициячи ва битта йўловчи тан жароҳатларини олган.

• Францияда март ойининг ўзида ишсизлар сони 63,5 минг кишига ошди. Бу ҳақда мамлакат Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларида келтирилган. Умумий ҳисобда эса бугунги кунда Францияда ишсизлар сони 2,5 миллион кишига етган.

• Украина Хавфсизлик хизмати раиси Валентин Наливайченко Буюк Британия махсус хизматининг собиқ ходими Брижитт Остинни ўзига маслаҳатчи қилиб тайинлади. Журналистларнинг «Бу лавозимга нима учун айнан чет эл фуқароси тайинланди», деган саволига Наливайченко жавоб бермаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тури́н политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва ҳўжалик объектларини лойihalаштириш ҳамда куриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Университетнинг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Тошкент шаҳрида Тури́н политехника университети ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки: Университет Тури́н политехника университети (Италия Республикаси) билан тузиладиган сервис ва лицензия битимлари асосида 2009 йилнинг 1 сентябидан бошлаб кадрларга бўлган эътиборни ҳисобга олган ҳолда, 2-иловага мувофиқ асосий таълим йўналишлари (мутахассислар) бўйича барча даражалардаги мутахассислар, шу жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди, шунингдек, кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Университет битирувчиларини аттестатдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Тури́н политехника университетида (Италия Республикаси) белгиланган

тартиб, талаб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади; талабаларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, Тури́н политехника университети (Италия Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Тури́н политехника университети (Италия Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади.

Университетга 2009/2010 ўқув йиллари учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгилансин.

4. Тури́н политехника университети (Италия Республикаси): Университетда илгор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларидан фойдаланишга асосланган ҳолда, ўқув-услубий раҳбарликни ва ўқув жараёнини амалга оширишни таъминлаши; Университетнинг кутубхона фондиди шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техника адабиётлари билан тўлдиршига, ўқув-лаборатория базаси ҳамда замонавий ахборот марказини ташкил этишга кўмаклашиши;

Ўзбекистонлик ёш ва истиқболли илмий-педагог кадрларнинг малакасини, шу жумладан чет элда оширишга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушадиган маблағлар, шу жумладан маффадрдор ташкилотлар томонидан талабалар билан тузилган контрактлар асосида бериладиган грантлар; Университет Ҳомийлик кенгаши қарорлари асосида жалб қилинадиган бошқа маблағлар, шунингдек, ҳомийлар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги Тури́н политехника университети Ҳомийлик кенгашининг шахсий таркиби 3-иловага мувофиқ таъминлансин.

6. Тошкент шаҳридаги Тури́н политехника университети барча турдаги солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмаган рўйхат бўйича республикамизга Университетни реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, компьютер ва ташкилий техника, адабиёт, мультимедиа маҳсулотлари, қурилиш материаллари, жиҳозлар ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 5 йил муддатга озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини қонсулик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда

расмийлаштиришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда, кўп марталиқ визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасига чет эллик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларини жалб қилиш учун Университетга, уни давлат божи тўлашдан озод этган ҳолда белгиланган тартибда руҳсатномалар берилишини таъминласин.

10. Тошкент шаҳридаги Тури́н политехника университети қуйидаги манзилдагута тушадиган эга бинолар комплексида жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси (Кичик халқа йўли), 17-уй.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатга юқорида кўрсатилган тушадиган эга бинолар комплексини "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси балансида, 2009/2010 ўқув йили бошлангунга қадар бинолар комплексини компания томонидан реконструкция қилиш ва Университетни зарур мебеллар, жиҳозлар, ўқув ва лаборатория анжомлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан замонавий талабларга мувофиқ жиҳозлашни таъминлаш шарти билан беришни назарда тутадиган қарор қабул қилсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юксалинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 27 апрелъ

Иқтисодиёт

**ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАР
ТАЪМИРЛАНМОҚДА**

«TOSHKENT YO'LO'VCHI VAGONLARINI TA'MIRLASH ZAVODI» акциядорлик жамияти мамлакатимизда йўловчи вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашга ихтисослашган ягона корхона ҳисобланади.

Хозирда 1340 нафар ишчи-хизматчи мехнат қилётган ушбу корхонада йўловчи вагонларнинг кўплаб турларини таъмирлаш ишлари ўзлаштирилган ва бунинг учун зарур бўлган импорт ўрнини босувчи эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган.

Замонавий дастоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхона цехларида ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шартлар мавжуд. Шу боис ҳам ўтган йилда 452 та йўловчи вагонларини таъмирлашга муваффақ бўлинди. Бу 38,2 миллиард сўмни ташкил этди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, иш жараёнида буюртмачи талабидан келиб чиқиб сифатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилда «Насаф» тезкор поезди учун 7 та купели йўловчи вагонлари юқори даражада қулайликлар яратилиб модернизация қилинди. Шунингдек, корхонада импорт ўрнини босувчи эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлидаги изланишлар яхши самара бермоқда. Бугунги кунда маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи 245 номдаги эҳтиёт ва бутловчи деталларнинг 59 тасини корхона мутахассислари тайёрламоқда. Ишлаб чиқарилаётган мазкур махсулотлар йўловчи вагонларнинг барча тизимларида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интиляётган завод тадбиркорлари жорий йилда 510 та йўловчи вагонларни таъмирлаш ва тубдан қайта тиклаш ва 10 та тележка тайёрлашни режалаштирган бўлиб, айна кунларда бу ишларни муваффақиятли олиб боришмоқда. Энг асосийси эса қўшни давлатлардан тушган буюртмаларнинг ҳам бажарилиши кўзда тутилган.

**МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ
ОРТМОҚДА**

Бозор талабларини чуқур ўрганган ҳолда маҳсулотнинг харидорлар турларини яратишга қаратилган эътибор ҳар бир корхона ривожига, буюртмачилар сафи ортиши ва ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз маҳсулотлари билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллаган ва экспорт ҳажминини оширишга интиляётган «O ZMETKOMBINAT» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида пўлатдан сирланган идишларнинг ранг-баранг турлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, янги маҳсулотлар турлари устида изланаётган мутахассисларнинг сазй-ҳаракатлари билан қурилиш миҳлари, пўлат турлар, металл панжаралар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бундай маҳсулотлар маҳаллий ва хорижий хом ашёдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йилда эса тадбиркорлар яна бир янги маҳсулот — электрод тайёрлаб, ички бозорда талабга бўлган мазкур товарни буюртмачиларга етказиб беришмоқда.

— Шуни мамнуният билан айта оламаники, — дейди цех бошлиғи Ҳамидулла Бердикўлов, — буюртмачиларимиз сафи йилдан йилга ортиб бораёти. Бу албатта, маҳсулотларимиз сифатига қаратилган эътибор, замонавий технологияларни самарали қўллаш натижасидир. Масалан, пўлат сирланган идишларимизга жорий йилги буюртмалар портфелимиз тўла. Айниқса, ўтган йилда чиқарган мантискасон, ошхона термаларимизга талаб жуда катта. Шу боис ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириб, ишни 2 сменада ташкил этиш режаларимиз ҳам бор.

Республикамиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўишни мақсад қилган тадбиркорлар тайёрлаган маҳсулотлар Туркменистон, Қозғистон сингари давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Хозирда корхонада ойига 650 миллион сўмлик пўлат сирланган идишлар тайёрланмоқда. Уларнинг тури 40 дан ошиб кетди.

**АЖИБ ЗАВҚ
БАФИШЛАЙДИ**

Ҳунармандчиликнинг миниатюра-рассомчилик йўналишида муваффақият билан фаолият кўрсатаётган Жамшид Раҳматуллаев бугунги кунда янги асарлар, бетакор маҳсулотлар устида изланмоқда.

Республика рассомчилик коллежини тугатган ва бир қатор асарлари билан кўплаб кўргазма ва кўрик-танловларда муваффақият қозongan Жамшид «Хас-тимом» мажмуасидаги «Бароққон» мадрасасида фаолият кўрсатаётган. Шу билан бирга у Тошкент архитектура-қурилиш институтида назарий билимларини мустаҳкамламоқда.

У ушбу хунар сирларини устозлари Фахриддин Раҳматуллаев, Ҳасан Исоққонов, Зокир Ҳакимовлардан кунт билан ўрганган ва айни пайтда терига манзара шаклида миниатюра яратмоқда. Унинг ҳар бир асарига миллий кадриятларимиз ўзининг яққол ифодасини топади.

Ўзининг ажиб завқ бағишловчи асарлари билан барчага хушудлик улаштириб интиляётган миниатюрари рассом ясаган буюмларни хорижий сайёҳлар ҳам севиб харид қилишмоқда. Жамшид азим ва на-вқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўзининг асарларини намойиш этишни мақсад қилган. У Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловнинг Ялқасарой туман босқичида 1-ўринга эришиб, «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлди.

Шарофат БАҲРОМОВА

**Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида**

**ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТНИ
ЮКСАЛТИРИШ
ЙЎЛИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ёш ҳуқуқшунос тарғиботчиларнинг ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир парламент қуйи палатасининг Демократик институтилар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмиталари томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтилар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамиятнинг асосидир. Қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва ижросини тўла таъминлашга эришиш ҳуқуқий жамиятнинг асосий талабларидандир. Бугунги кунда кўплаб мутахассислар, олий ўқув юртимиздаги ўқитувчилари, шунингдек, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини, қонуности ҳужжатларини янада тақомиллаштириш, уларнинг аҳамиятини тарғибот қилишда ёш ҳуқуқшунослар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Семинарда ёш ҳуқуқшунос тарғиботчиларнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасидаги иштирокини янада кенгайтириш, билим ва тажрибасини бойитишга бағишланган маърузалар тингланди.

Т.БОТМРЕКОВ,
ЎЗА муҳбири



• **ЎЗБЕКISTON** темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг темирйўлчилар маданияти саройида «Мамлакат ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишлари, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим омиллари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• **ЎТГАН** куни шаҳримизда ўзбек-япон маркази ташаббуси билан япониялик санъаткорлар иштирокида ўтказилган концерт дастури «Муқиша шаббодаси» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

қийта хизмат қиладиган фаолиятнинг барча йўналишларини бирлаштириб, олдинда турган мураккаб аҳволдан чиқиш даврига мўлжалланган дастурни белгилай олди.

«Нефтегазовая вертикаль» журнали бош муҳаррири Андрей Мещеряков:

— Биз жуда муҳим, қизиқарли ва долзарб тадбирнинг, Ўзбекистон Президенти томонидан ёзилган инқироздан чиқиш ва бу борадаги тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича амалий таклифларни ўз ичига олган ўзига хос тажриба умумлаштирилган асар тақдимотининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу барча мамлакатларнинг «бошини оғирлатадиган» ўта муҳим масала бўлиб, фикр алмашиш, зарур амалиётни ахтариш, тажриба алмашиш, қўшма қарорлар ишлаб чиқиш жуда катта аҳамиятга эга. Бизда инқироз таъсирини бартараф этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасига катта қизиқиш бор. Уйлайманки, асарда келтирилган жуда кўп жиҳатлар нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки Россия ва бошқа ҳамдаўлатлик мамлакатларда ҳам қўлланилиши факат фойда бериши мумкин.

РФ Иқтисодий тараққиёт вазирлиги Макроиктисодий тадқиқотлар институтининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бандлик сивсати маркази бошлигининг ўринбосари Анатолий Топилин:

— Президент Исрол Каримовнинг Ўзбекистон шароитида молиявий инқироз масалаларига оид китоби билан танишиб чиққан, эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишининг ҳақиқиллиги тўғрисидаги фикримизнинг тўғри эканлигига амин бўлдим. Таъкидлашим ҳозир бўлган иккинчи жиҳат 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши дастурдир. Мен бунга мутлақ қўшилиман. Зеро, гап нафақат инқироздан ҳимояланган ҳақида, балки инқироздан кейинги даврда ҳам иқтисодий ривожланишининг барча асосий йўналишларини янги, инновацион асосда йўлга қўйиш ҳақида бормоқда.

РФ Давлат Думаси раисининг sobик маслаҳатчиси, сивсий консультант Николай Гульбинский:

— Ўзбекистон Президентининг китоби биз олимлар, тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эга. Биз ҳаммамиз жаҳон инқирозини келтириб чиқарган сабаблар ҳақида, унинг авж олиши ва ундан қичқинишнинг йўллари ҳақида бош қотирамиз. Китобда, назаримда, Россия учун ҳам фойдаланган ҳоли бўлмаган муҳим жиҳатлар бор. Албатта, ҳар бир мамлакат ўзига хос, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўз тараққиёт моделига, инқироздан чиқишининг йўллари борасида эса ўзининг мустақил қарашларига эга. Мен мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқчи эдим. Назаримда, жаҳон иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири шуки, аслида сўнги йиллар давомида «абдий диверталь» дея аталмиш молиявий механизмни яратиб борасида уринишлар бўлиб, бунда, очигини айтганда, бойлик ҳеч қаердан ундирилмади, балки фақат энергия манбалари нархларини кўтариш ҳисобигагина ортирилди холос. Акциялар қиймати ва корхоналарнинг капиталлашуви базиси мамлакатларнинг япйи ички маҳсулотига нисбатан анча тез ўсди. Кўпчилик ҳеч қандай сазй-ҳаракатсиз бойиб кетишимиз мумкин, деб ўйлади. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳеч бир куч сарфламасдан, фақат қимматли қозғолар ҳисобига бойиб кетиб бўлмайди. Бойиш мумкин, энг аввало, иқтисодийнинг реал тармоғи ҳисобига. Ва бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг китобида ҳаққоний таразда айтилган. Шунингдек китобда банк тизимига ҳам асосли таразда катта эътибор қаратилди. Лекин энг муҳими, албатта, бу иқтисодийнинг реал тармоғидир. Яъни бу ишлаб чиқариш, иқтисодий диверсификация қилиш, унинг бир ёқлама-хом-ашёга йўналтирилишига барҳам бериш демекдир. Бу Россия учун ҳам жуда муҳим. Ушбу жиҳат бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий сивсатининг энг муҳим йўналишларидан бири экани Президент асаридан аяқол кўзга ташланади.

Мен эътибор қаратмоқчи бўлган иккинчи йўналиш, бу инфратузилмани, энг аввало транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Бунга маҳсулот таннархида транспорт харажатларини камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакат ҳудудларининг сарможий жозибадорлигини ошириш каби жиҳатлар ҳам кирди. Бу икки муҳим устун — реал тармоқ ва инфратузилма — янада кўпроқ мустақил бўлишига, яъни ўз қобилигига ўралиб олиш учун эмас, балки айнан таъши дунёга, жаҳон бозори конъюктурасига, энергия манбалари нархларига қарама-қарши имкон қадар кўпроқ мустақил бўлишига муносиб замин яратди. Бу соҳаларни ривожлантириш инқироздан чиқиш ва барқарор иқтисодий тараққиёт учун пойдевор бўлади. Бу ажиб, барча учун муҳим ва фойдали бўлган мазкур асарда акс этган икки муҳим хулоса, десам асло муболага бўлмайди.

«Жаҳон» АА, Москва шаҳри

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими профессор Б. Ашавский: «Исрол Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон ҳўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда «ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-бўйруқбозлик тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишининг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш кийин. Тан олиш керак, бу йўл ўз афзаллиги билан Ўзбекистонини бошқа давлатлардан ажратиб туради».

Б. Ашавскийнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг асари яна бир бор инқирозни бартараф этиш юзасида Ўзбекистонга хос ёндашушни, факат «ёнгин чикқанда» ишлайдиган ўт ўчирувчилар сингари иш юриштига асосланмай, келажақда, инқироздан кейинги даврда, Ўзбекистон жамияти ва иқтисодиёти мураккаб вазиятдан нафақат жиддий йўқотишларсиз чиқиши, балки самарали ривожлана олишида муҳим ўрин тутадиган амалий ва комплекс ҳусусиятга эга эканлигини исботлайди».

Давлат маслаҳатчиси, сивсатшунослик фанлари доктори, профессор И. Кругових 1992 йилдаёқ Президент Исрол Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ислохотларнинг ўзбек моделига асос бўлган бешта тамойил ҳақида батафсил тўхтади.

«Бу борада Ўзбекистоннинг тажрибаси аён, — деб таъкидлади И. Кругових. — Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати, ривожланишининг 2008 йил якунлари шуни кўрсатадики, мазкур беш тамойил бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Биринчидан, Ўзбекистон 90-йилларнинг фожеали хатоларини четлаб ўтишга ҳамда 1998 йилги ва ҳозирги инқирозни муваффақият билан қарши олишга эришди. Иккинчидан, Пухта ўйланган ва узок муддатли сивсат иқтисодиётга мустаҳкам заҳирага эришиш имкониятини берди, яъни, мавжуд бой ресурслар беҳудага исроф қилинмади, олтин қийматидаги валюта заҳиралари тежалди ва ривожланиш иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминловчи омил сифатида қўлайтирилди.

Учинчидан, Давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги муҳим ўрни шу вақтгача сақланиб келинди. Бунга Ўзбекистонда 1991 йилдан буён ўтган давр мобайнида пахта хом ашёсини қайта ишлаш миқдори изчиллик билан ошиб боргани мисол бўла олади. Тўртинчидан, Исрол Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш усуллари нафақат бугунги вазибаларни ҳал этишга, балки инқироздан кейинги даврда ривожланишга ҳам асосланганлиги билан қимматлидир.

Бешинчидан, Ўзбекистон жамияти ва иқтисодиётининг инқироздан талофат кўрмай чиқиш борасидаги ўзгармас ва изчил мақсадга эришиши, яъни, мавжуд муваффақиятларни сақлаб қилиш ва инновацион технологиялар асосида ўзининг замонавий маҳсулотлари учун янги бозорларга эга бўлишидир. Олтинчидан, Узюда теран миллий маффаатлар ва анъаналарни жамлаган ўзбек модели айни пайтда ўз асосига кўра тараққиётнинг умумбашарий шаклига эид эмас».


И. Круговихнинг қайд этишича, унга «Едина Россия» партияси раҳбарияти томонидан Исрол Каримовнинг китоби асосида Ўзбекистон тажрибасини инобатга олган ҳолда Россия иқтисодиётининг инқироздан чиқиш чоралари дастури учун давлат раҳбарларига партиянинг тақлифлари ўз аксини топган таҳлилий ҳужжат тайёрлаб бериш расман топширилган.

И. Кругових мулоҳазаларини шундай сўзлар билан якунлади: «Мен шуни таъкидламоқчиманки, Исрол Каримовнинг асари биз Ўзбекистон тажрибасидан бир қанча жиҳатларни ўрганишимиз лозимлигини тасдиқлайди».

Дипломатия академиясини МДХ мамлакатлари маркази директори С. Жильцовнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ўз вақтида урф бўлган назарияларга эргашмади, дунё иқтисодиёти ва молия тизимига ҳозирги экстремаль шароитда барқарор ривожланиш имконини бераётган ўз йўлини танлашга эришгани муҳим аҳамият касб этади.

РФ ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академияси жаҳон иқтисодиёти ва глобал масалалар маркази раҳбари, Россия Федерацияси факультетида ва мўхтор элчиси Георгий Рудов:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг молиявий инқирозни бартараф этиш борасидаги китобига бағишланган тақдимот Дипломатия ходимлари, профессор ва ўқитувчиларида катта таассурот қолдирди. Бутун дунё иқтисодий инқироз талвасасига тушиб қолган бир пайтда Президент Исрол Каримов ўз мамлакатида тарақ-



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ ХИКМАТЛАР

Риё, ҳасад, кибр, кин, адоват ва бошқа иллатлар ёмон хулқларнинг манбаидир.

Баҳсдан мурод — билагонлигингни кўз-кўз қилмоқ эмас.

Унутмагилки, сен учун мураккаб, бир қадар мушкул бўлган масалани олиму донишмандлардан сўраб билмоғинг — худди оғриқ қалбни ҳозиқ табибга даволатгандек бир гап.

Нодон, жоҳил одамларнинг қалблари касал, бемордирким, уларни даволовчи табиб — олимлару донишмандлардир.

Ҳасадгўй нимаики қилмасин, неки демасин — бари-барини ўтда ёқади.

Муолажани қабул этмайдиган касаллик — аҳмоқликдир.

Аҳмоқ шундай кишиким, озгина муддатда ақлий ва шаръий илмлардан нари-бери хабардор бўлади-да, дуч келган одам билан ана шу ўрганганлари юзасидан мунозарага киришиб, тортишиб юради.

Ваъз айтувчининг такаллуфдан сакланмоғи вожиб.

Ҳар вақт кишилар билан бир иш қилмоқчи бўлсанг, ўзинга мэнзур ва маъқул келган нарсани уларга ҳам раво кўр. Чунки, ўзига маъқул нарсани бошқа бир мусулмон биродарига ҳам соғинмагунча ҳеч бир банданинг иймони комил бўлмайди.

Бир кун умринг қолган бўлса ҳам, қалбни мусаффо этиб, нафсни поклашга хизмат этувчи илмлар билан шуғулланиб қолмоқ зарур.

Зийрак фаҳмга бир сўз, оқилга бир ишора кифоя, дейдилар.

АБУ СУЛАЙМОН ДОРОНИЙ

Ҳар бир нарсанинг занги бўлади, қалб нурининг занги эса тўйиб овқатланишдир.

Очлик охират эшигини очар, тўқлик дунё эшигини.

Кўп ейиш ақлни кеткизар, ақл кетгач, ҳожат битмас.

Очлик кўнгилни нурлантирар, тўқлик эса қорайтирар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароит яратиш мақсадида, 2009 йилнинг 13 апрелидан бошлаб, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонасининг худудий (туман) хизматлари биноларида нотура-жой биноларини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳам буюртмалар қабул қилиниши йўлга қўйилганлиги маълум қилинади.

Table with 3 columns: Туман хизматлари, Жойлашган манзили, Телефон рақами. Lists various districts and their contact information.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 19 май кунини соат 11:00 да такоран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд икрончилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

I. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 12.08.2008 йилдаги 2-57-2008-сонли икром варақаларига асосан хатланган, «Бета Алгоритм АШ» МЧК шаклидаги чет эл корхонасида сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Daewoo Nexia» русумли, д/р М3012 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм; 2. «Daewoo Nexia» русумли, д/р М3060 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 800 000 сўм; 3. «Форд транзит» русумли, д/р М4715 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 900 000 сўм; 4. «Форд транзит» русумли, д/р М4716 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 21 444 492 сўм; 5. «Форд транзит» русумли, д/р М4717 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 22 328 352 сўм; 6. «Форд транзит» русумли, д/р М4718 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 22 269 221,4 сўм; 7. «Форд транзит» русумли, д/р М4721 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 797 632 сўм; 8. «Форд транзит» русумли, д/р М4722 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 170 196,8 сўм; 9. «Форд транзит» русумли, д/р М4723 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 797 632 сўм; 10. «Форд транзит» русумли, д/р М4724 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 687 737,4 сўм; 11. «Форд транзит» русумли, д/р М6076 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 500 000 сўм; 12. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М6897 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 600 000 сўм; 13. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7109 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 100 000 сўм; 14. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7110 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 100 000 сўм; 15. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7111 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 16. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7122 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 700 000 сўм; 17. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7123 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 700 000 сўм; 18. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7439 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 900 000 сўм; 19. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7440 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 900 000 сўм; 20. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7441 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 900 000 сўм; 21. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7442 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 22. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7443 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 23. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7445 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 24. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7446 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 25. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7448 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 900 000 сўм; 26. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7449 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 27. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7450 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 28. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7451 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм; 29. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7452 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 900 000 сўм; 30. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7453 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 000 000 сўм; 31. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7455 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 000 000 сўм; 32. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7456 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 700 000 сўм; 33. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7118 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 560 000 сўм; 34. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7108 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 680 000 сўм; 35. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7107 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 440 000 сўм; 36. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7114 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 520 000 сўм; 37. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7115 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 520 000 сўм; 38. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7112 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 640 000 сўм; 39. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7116 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 680 000 сўм; 40. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7124 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 680 000 сўм; 41. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7120 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 640 000 сўм; 42. «ФОРЛАНД» русумли, д/р М7113 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 520 000 сўм.

II. Тошкент шаҳар Сергели туман суд икрончилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 18.06.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, Сергели туманида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ Йўл-транспорт ҳалокатлари бўлимида сақланган «ВАЗ-21063» русумли, д/р 10V2027 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 531 816 сўм.

III. Тошкент шаҳар Миробод туман суд икрончилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот маркази оғир ҳалокатга солинган қуйидаги автотранспорт воситалари: 1. ЖИБ С.Раҳимов туман судининг 14.11.2008 йилдаги 23/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Opel Kadett» русумли, д/р 11T5499 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 972 641 сўм; 2. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 03.11.2008 йилдаги ҳукмига асосан хатланган, «ВАЗ-2107» русумли, д/р 30V0773 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 122 899 сўм; 3. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 20.05.2008 йилдаги 1-406/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 30V0368 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 332 000 сўм; 4. ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 16.12.2008 йилдаги 1-760/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, «БМВ-318» русумли, д/р 30Q7849 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! ЖАМҒАРМАНИНГ ЯНГИ ВЕБ-САЙТИ

МАЪЛУМКИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЕЛАЖАК ЭЪЛАРИ БЎЛГАН ЁШЛАРНИНГ БОЛАЛИҚДАН ЧИНИҚИБ, СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Хусусан болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, жаҳон андозалари даражасидаги спорт мажмуаларининг қурилиб, замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланаётганида ҳам мана шундай хайрли мақсадлар мужассам эканлигини кўралик.

Яқинда ёшларни янада спортга кенгроқ жалб этиш, айниқса қизларнинг спорт билан шуғулланишларига эътиборни қаратиш, спорт мажмуаларидаги шарт-шароит ва спорт турлари, тўғрақлар фаолияти ҳақида кўпроқ маълумот бериш, ўтказилаётган спорт мусобақалари ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ёшлар онига етказиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг www.bst-fond.uz сайти ташкил этилди.

—Ушбу веб-сайтнинг ташкил этилишидан мақсад жамғарма фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот бериш, оммавий спорт тадбирларини ёритиш, келгусидаги иш режалари ва янгиликлар, яна ҳам эътиборлиси бугун жаҳон майдонларида беллашиб чемпионлик камарини белгиланган ёшларимиз ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб берилиши режаланган,— дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали директори Асҳад Толибжонов.— Бундан ташқари спорт оламидаги кундалик маълумотлар, спортта дахлдор бўлган воқеалар тафсилотлари ҳам бериб борилади. Марҳамат, жисмоний баркамоллик бешиги бўлган спорт билан яқиндан дўстлашишни истаган ҳок катта ёшли, ҳок кичик ёшдагилар сайтимизга киришса ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавобларни албатта топадилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Тошкент шаҳар ҳоқимияти Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи куйидаги мутахассисликлар бўйича коллежда бўш ўринларга битим асосида ишлаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- 1. Она тили ва адабиёти — 1 ўрин
2. Ўзбекистон Конституцияси — 1 ўрин
3. Техник механика — 1 ўрин
4. Математика — 1 ўрин
5. Жисмоний тарбия — 1 ўрин
Шунингдек:
В.С.Д-тоифали, автомобилни бошқаришни ўргатувчи усталар (инструкторлар) — 4 ўрин

Танлов шартлари:

- 1. Танловда қатнашишни истаганлар ўз мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлишлари;
2. Камида 3 йиллик педагогик стажга эга бўлишлари;
3. Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари ҳамда коллеж худудига қўпроқ жойда истиқомат қилишлари;
4. Ўзбекистон Конституцияси мутахассислиги бўйича танловда қатнашувчилар «Хуқуқшунос»лик бўйича олий маълумотга эга бўлишлари;
5. Автомобилни бошқаришни ўргатувчи уста (инструктор)лар камида 3 йил автомобилларни бошқарган бўлишлари шарт.

Танлов муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой. Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, Байналмилал кўчаси, 53.

Телефонлар: 278-23-34, 278-49-39

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи маъмурияти



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Наһр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нусхада босилди. Қотғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» 233-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер маркази терлиди ва сақланади. «Шерк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.